

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

СОДИҚОВ ҲАМИД МАХМУДОВИЧ

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ-НУТҚ
МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of Philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Содиқов Ҳамид Махмудович

Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини

ривожлантириш.....5

Садиқов Ҳамид Махмудович

Развитие коммуникативно-речевой культуры будущих учителей21

Sodiqov Khamid Maxmudovich

Develop of communicative -speech culture for future teachers.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

СОДИҚОВ ҲАМИД МАХМУДОВИЧ

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ-НУТҚ
МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

The theme of dissertation Doctor of Philosophy (PhD) is registered in the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under No. B2020.1.PhD/Ped706

The dissertation was completed at Tashkent State Pedagogical University.

The abstract of the dissertation is available in three languages (Uzbek, Russian, English (abstract)) on the Scientific council website (www.tdpu.uz) and on the website Ziyonet information and educational portal website www.ziyonet.uz.

Scientific adviser: Khalikov Azam Abdusalomovich
doctor of pedagogical sciences, professor

Official opponents: Abdullayeva Shaxzoda Abdullayevna
doctor of pedagogical sciences, professor
Asilova Gulshan Asadovna
doctor of pedagogical sciences, docent

Leading organization: Bukhara State University

The defence of the dissertation will be held on "16" 12 2020 at 09 at the meeting of the Scientific council No DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 at Tashkent state pedagogical university (Address: 100011, Tashkent city, Chilanzar district, Bunyodkor str., home 27. Tel.:(99871) 276-79-11;; fax: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Dissertation can be reviewed in Information-resource centre at Tashkent state pedagogical university (registration number 580). Address: 100011, Tashkent city, Chilanzar district, Bunyodkor str., home 27. Tel.:(71) 276-79-11; fax: (71) 276-80-86;

Abstract of dissertation sent out on « 6 » 12 2020 y.
(mailing report № 26 on « 6 » 12 2020 y.

**R.Kh.Djurayev**
Chairman of the Scientific Council Awarding Scientific Degrees, Doctor of Pedagogical Sciences, prof. and academician

R.G.Isyanov
Scientific secretary of the Scientific Council Awarding Scientific Degrees, Associate of Pedagogical Sciences, docent

A.X.Mahmudov
Chairman of scientific seminar under Scientific Council Awarding Scientific Degrees, doctor of pedagogical sciences

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ компетентлигини ривожлантириш методикаси, ташкилий-педагогик омиллари, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш механизмлари, касбий тайёргарликни такомиллаштиришнинг амалий педагогик тизими, ўқитиш моделлари технологик тараққиёт ғоялари билан уйғунлаштирилган интерфаол дастурлар таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “XXI асрнинг Олий таълими” Бутунжаҳон декларацияси, ЮНЕСКОнинг “Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш”¹ дастурий ҳужжатларида дунё миқёсида олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, модулли таълимни ташкил этишга, ўқитишнинг замонавий усуллари жорий этиш орқали бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган.

Дунё олий таълим тизимида замонавий ва истиқболли меҳнат бозори талаблари асосида таълимий ахборот инфраструктураси базасини касбий фаолиятга алоқадор предметлар доирасида ривожлантиришнинг назарий асослари, бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш, коммуникатив кўникма ва малакаларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. АҚШ, Россия, Германия, Франция, Хитой, Корея каби ривожланган мамлакатларда бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш механизмлари самарадорлигини оширишда модулли ўқитиш, blended learning (аралаш ўқитиш), маҳорат дарслари, вебинарлар, эвристик методлар, виртуал таълим технологияларини қўллаш заруриятини изоҳлайди.

Мамлакатимиз таълим муассасаларида баркамол шахсни камол топтиришга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига кенг жорий қилиш, моддий-техник базасини янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “сифатли таълим имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсати” бўйича устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини замонавий талаблар даражасида ошириш, коммуникатив-нутқ маданиятини ривожланишга имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

¹ Доклад ЮНЕСКО по науке – 2015 – На пути к 2030 году. UNESCO Publishing, 2017. – 794 с.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда Г.А.Асилова, М.Асқарова, Н.М.Дадажоновна, Т.У.Зиядова, У.А.Машарипова, Н.М.Маҳмудов, А.Қ.Нисанбаева, А.Т.Нурманов, А.Ортиқов, Б.Х.Раҳимов, Н.З.Умарова, А.А.Холиқовлар ўз тадқиқот ишларида нутқ маданиятини шакллантириш муаммоларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этганлар.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида Г.С.Альтшуллер, А.А.Бизяева, А.К.Быков, И.А.Зязюн, Р.А.Исламшин, Е.М.Катонина, М.В.Корепанова, И.Я.Лернер, В.М.Монахов, Т.Н.Полякова, Е.Н.Шияновлар коммуникатив-нутқ маданияти ривожланишининг психологик ва педагогик муаммоларини тадқиқ этишган.

Таълимнинг турли босқичларида нутқ маданиятини шакллантириш, нутқий фаолият масалалари хорижий давлат олимлари L.Botcheva, R.Boyatzis, F.Delamare, J.Winterton, A.John, D.Tremblay, L.R.Humes, W.Hutmacherлар томонидан тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетининг “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” (2012-2014 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини фалсафий, педагогик-психологик имкониятларини таҳлил этиш;

бўлажак ўқитувчилар коммуникатив-нутқ маданияти компонентлари ва ривожланганлик мезонларини такомиллаштириш;

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришнинг мантиқий-тузилмавий моделини такомиллаштириш;

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданияти хусусиятларини ҳисобга олувчи бадиий-этик матнларни танлаш мезонларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига ТДПУ, ЖДПИ, СамДУнинг 729 нафар талабалари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (тахлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик-статистик (маълумотларни статистик қайта ишлаш натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.) методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчилар коммуникатив-нутқ маданияти компонентлари (бўлажак ўқитувчилар нутқининг таъсирчанлиги, нутқ маданиятини намоёниш эта олиш, нутқ техникасини ўз ўрнида қўллай билиш) таълимга инновацион ёндашув адаптив даражасидан тизимли моделлаштирилган даражага ўтиш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришнинг назарий, мантиқий-тузилмавий модели шахслараро, гуруҳий ва жамоавий нутқ фаолиятида интерференция ҳодисасини юзага келтириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданияти бадиий-этик матнларни танлаш мезонлари ва талабанинг тайёргарлик сифатига қўйилган компетенциявий талабларга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданияти нутқ коммуникациясининг педагогик функциялари (конструктив-режалаш, ташкилий, коммуникатив-ўргатувчи, тарбиявий, гностик) талабанинг дидактик тайёргарлигига бирлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчилар коммуникатив-нутқ маданияти ривожланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

педагогика олий таълим муассасалари бўлажак ўқитувчиларининг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришга қаратилган “Умумий педагогика (педагогик маҳорат)” дарслиги нашр этилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога психологик-педагогик, методик ёндашиш ҳамда бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришда мамлакатимиз ва хорижлик олимлар тажрибаларига асосланган; тадқиқот вазифаларига мос методларнинг танланганлиги; таҳлил ва тавсифнинг миқдор ҳамда сифат жиҳатдан таъминланганлиги; бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларида ўзининг назарий ва амалий тасдиғини топганлиги; тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, олинган

натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш, касбий тайёргарлигини такомиллаштириш, ривожланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шу билан аниқланадики, олий таълим муассасаларида дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда бўлажак ўқитувчилар коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришнинг методик ва дидактик таъминоти ҳамда мантикий-тузилмавий моделидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича илмий натижалар асосида:

адаптив даражадан тизимли моделлаштирилган даражага ўтиш асосида такомиллаштирилган бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришда инновацион ёндашувдан “Умумий педагогика” (Педагогик маҳорат) дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги № 285-сон буйруғи билан тасдиқланган 285/114 рақамли гувоҳнома). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришнинг дидактик таъминоти ишлаб чиқилган;

коммуникатив-нутқ маданиятининг ривожланганлик мезонлари (мотивацион, мазмунли, процессуал)га мос уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган бўлажак ўқитувчилар коммуникатив-нутқ маданияти компонентлари (бўлажак ўқитувчилар нутқининг таъсирчанлиги, нутқ маданиятини намойиш эта олиш, нутқ техникасини ўз ўрнида қўллай билиш)дан “Ўзстандарт” агентлигининг 2014 йил 18 сентябрдаги 4574-сон қарори билан тасдиқланган бакалавриат йўналишлари «Педагогика соҳаси» Давлат таълим стандарти, мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 январдаги 89-03-332-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив-нутқ маданияти ривожланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

интерфаол методларнинг интеграцияси асосида такомиллаштирилган бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданияти хусусиятларини ҳисобга олувчи бадий-этик матнларни танлаш мезонларидан “Ўзстандарт” агентлигининг 2014 йил 18 сентябрдаги 4574-сон қарори билан тасдиқланган бакалавриат йўналишлари «Педагогика соҳаси» Давлат таълим стандарти ҳамда малака талаблари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 январдаги 89-03-332-сон маълумотномаси). Натижада, бадий-этик матнларни танлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

шахслараро, гуруҳий ва жамоавий йўналтирилган интеграцион таъсир кўрсатиш орқали такомиллаштирилган бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришнинг мантикий-тузилмавий моделидан “Умумий педагогика” (Педагогик маҳорат) дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 январдаги 89-03-332-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши, бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришга оид дарс, дарсдан ташқари машғулотлар ҳамда педагогик амалиёт мазмуни самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 6 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг ҳажми 147 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданияти ва компетентликларининг психологик-педагогик асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданияти ва компетентликларининг ҳозирги ҳолати ўрганилган, “коммуникатив-нутқ маданияти” тушунчасининг мазмун моҳияти очиқ берилган ва унинг назарий модели ишлаб чиқилган ҳамда бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш имкониятлари ёритилган.

Ҳар қандай халқнинг тили – бу миллатнинг асл руҳи, унинг биринчи даражали ва энг яққол белгиси. Тилда ва тил орқали миллий психологик, миллат характери, унинг тафаккури ва бадиий ижоди хусусиятлари

ифодаланади. Тил фикрни шакллантириш ва ифодалаш воситаси, инсоннинг атроф-олами англиши, фикрлари ва ҳис-туйғуларининг ифодаланиши сифатида талқин этилган. Тил инсонлар ўртасидаги мулоқот воситаси бўлиб, нутқда яшайди ва мавжуд бўлади, бу унинг етакчи функцияси. Унда коммуникатив функциясида, одатда, социолингвистикада ажратиладиган тилнинг билишга доир, регулятив, қадриятли йўналган, этикетга доир барча қолган функциялари интеграцияланади.

Педагоглар “инсон нимани ва қандай хотирлаши, зарур материални у қанчалик тез ва аниқ такрорлаб бериши кўп жиҳатдан, баъзан эса, ҳал этувчи даражада инсон олдида турган мақсадларга эришиши, уни ҳаракатларга ундовчи мотивларни амалга оширишига боғлиқ” – деб ҳисоблайдилар. Психологик-педагогик аспект коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш муаммосини инсоннинг психик фаолиятининг бутун мажмуида, энг аввало, унинг фикрлаш билан ўзаро алоқадорлигида кўради. Муаммонинг бундай қўйилиши, инсон хотираси онгли хусусиятга эгаллигини белгилаш имконини берди.

Диссертацияда нутқий малакаларни бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятлари аспекти сифатида қаралиб, унинг 6 асосий сифатлари ажратилган:

Мақсадга йўналганлик. Фаолият сифатида нутқий малака суҳбатдош билан ўзаро алоқа ва таъсир этишга йўналтирилган. Малаканинг мақсадга йўналганлиги, мақсадга эришиш учун нутқ предмети хизмат қилишини назарда тутуди (мазмунлилиги, мантиқийлиги, ҳиссиётлиги ва ҳ.к.). Мақсадга йўналганлик нутқ маданияти тузилишини белгилайди. Аммо, доимий ўзгарувчи нутқий вазиятларда ҳар сафар янги, кутилмаган оралиқ мақсадлар юзага келади, яъни нутқ тактикаси ҳам ўзгаради.

Динамиклик. Нутқий малака – тайёргарлик кўрилмаган фаолият. Малака вазиятни ҳал қилишнинг тезкор усулларини топиш қобилиятини назарда тутуди. Ўқитувчи бошқача ҳосил қилинган стереотипларни (қолип, андаза, шаблон) бирлаштириш тажрибасига эга бўлмаган, умуман янги вазиятга дуч келганида, у ҳаракат қила олмайди. Фаолият динамик бўлиши зарур. Шунинг учун, малака аввалги стереотиплар асосида тезкор энг нозик ва мослашувчан динамик алоқаларни ҳосил қилишга асосланади.

Маҳсулдорлик. Маҳсулдорлик яратилган вазиятга мос равишда турли нутқий бирликларни яратишга асосланган.

Интеграцияланганлик. Нутқий маданиятнинг интеграцияланганлиги остида турли хусусиятдаги малакаларнинг биргаликда қўлланилишини тушуниш лозим (лексик, грамматик, талаффузга оид, ҳаётий тажриба, билимлар, ҳиссий соҳа ва бошқалар).

Иерархиявийлик. Бу нутқий маданиятда мотивацион-фикрий даража устунлик қилиши кераклигини англатади (тажриба, билимлар, ҳис-туйғулар ва бошқалар).

Мустақиллик, яъни бевосита идрок этиладиган таянч-кўрсатмалардан эркинликка эришишни билдиради.

Ижтимоий функционал нуктаи-назардан коммуникатив-нутқ маданиятни ўрганишда ижтимоий коммуникация воситаси сифатида тилнинг ҳақиқий мавжудлик шакллариغا катта эътибор қаратиш зарур. Нутқ тўғрилиги ва маданияти бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятларининг энг бошидан етакчи омиллар бўлиши керак. Ўқитувчилар нутқи учун стандарт шароитлар энг аҳамиятли ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал.

Ўқитувчилар нутқи учун стандарт шароитлар

№	Стандарт шароитлар	Коммуникация шакли
1.	коммуникациянинг моддий шакли	оғзаки ва ёзма
2.	коммуникация мақсади	ахборотни етказиш ёки қабул қилиш, эмоционал таъсир кўрсатиш, ўқувчилар билан алоқа ўрнатиш
3.	коммуникация соҳаси	оммавий, ишбилармонлик, маиший, шахсий
4.	коммуникация мавзуси	ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаёт ҳодисалари, фан ва техника ҳодисалари, меҳнат фаолияти, оилавий ҳаёт

Тадқиқотда коммуникатив-нутқ маданияти – педагогнинг асосий сифатларидан бири, педагогик жараённинг аҳамиятли ташкил этувчисидир. Педагогик жараён бу “ўқитувчи-ўқувчи” тизими ҳолатининг алмашишидир. Мазкур тизимнинг амал қилиши асосида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида фаолият алмашиш ётади, ўқувчиларнинг фаолиятларини ташкил этиш эса, ўқитувчи фаолияти предмети ҳисобланади.

Ўқитувчи ва ўқувчи жараён субъектлари ҳисобланадилар, аммо етакчи роль айнан ўқитувчига тегишли, чунки у ўқувчиларнинг ижтимоий тажрибани ўзлаштиришларида онгли фаолиятнинг ташкилотчиси ҳисобланади. Шу тариқа, ўқитувчи ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши керак бўлган ижтимоий тажриба ва ўқувчиларнинг ўзлари ўртасида боғловчи бўғин, кўприк ҳисобланади. Шу тариқа, ўқитувчининг уринишлари “ўқитувчи-ўқувчи” тизимидаги ўзаро муносабатни ташкил этиш ва яхшилашга қаратилиши лозим. Ўқитувчининг коммуникатив-нутқ маданияти педагогик жараёни такомиллаштириш қуролига айланиши ва педагогик жараён иштирокчиларини ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қилиши керак. Коммуникатив-нутқ маданияти тузилишини ҳисобга олиб, биз унга қуйидаги таърифни беришимиз мумкин: Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданияти – бу мураккаб интегратив ҳосила бўлиб, ўқитувчи шахсидаги ўзгаришларни акс эттиради, фаолият объектини такомиллаштириш мақсадида “ўқитувчи-ўқувчи” тизимида самарали коммуникацияни таъминловчи билим, кўникма ва малакалар мажмуидан ташкил топади, касбий шаклланиш жараёнида ўқитувчини касбий тайёрлашнинг аспекти ва натижаси ҳисобланади.

Бўлажак ўқитувчи учун энг зарури нутқ маданиятини эгаллашдир. Ўқитувчининг нутқи кундан-кунга ўқувчилар учун ибратли бўлиб бориб уларнинг нутқ маданиятини шакллантиришга ёрдам бериши керак. Нутқнинг грамматик тўғрилиги, унинг лексик бойлиги, яхши ифодаланганлиги, образлилиги, нутқ техникасининг эгалланганлиги ўқитувчининг турли хил касбий масалаларни сифатли ечишига имкон беради.

Педагогик фаолиятнинг муваффақияти бевосита бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятига боғлиқ. Педагогика олий таълим муассасасининг вазифаси – педагогик фаолиятнинг маълум соҳасида ўз касбининг роли ва ижтимоий аҳамиятини тушунувчи юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳисобланади.

Шу туфайли, педагогик кадрларни тайёрлашда таълим мазмунига педагогик фаолиятнинг сифатини ошириш мақсадида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини самарали ривожлантиришни таъминловчи билим ва кўникмалар киритилиши керак.

Бундан ташқари, коммуникатив-нутқ маданияти интеллектуал, ахлоқий ва маънавий сифатларни ривожлантиришга хизмат қилади. Жамиятдаги ўзгаришлар ўз ортидан таълимда, мактабдаги ўзгаришларга олиб келди. Бундан, замонавий мактабда ўзгарувчан шароитларда тезда ҳаракат қилувчи, шахсий имкониятларини амалга ошириш учун ўз кучларини ишга сола оладиган, ўзгарган шароитларда зарур бўлган янги билим, кўникмаларни, фаолият усулларини эгаллашга тайёр ўқитувчи зарурлиги келиб чиқади.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини таъминловчи коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш технологиялари”** деб номланган иккинчи бобда бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданияти хусусиятларини ҳисобга олувчи бадий-этик матнларни танлаш мезонлари ёритилган, талабаларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш технологиялари ҳамда бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини самарали ривожлантиришга доир дидактик ва тарқатма материаллар хусусида фикр юритилган.

Тадқиқотда бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигининг ҳосил бўлишига таъсир кўрсатувчи кўпгина методикалар орасида, энг мураккаб ва муҳимларидан бири нутқ материални танлаш ва ташкил этиш ҳисобланади. “Қандай ўқитишни аниқлаш учун, ўқитиш объекти нима ҳисобланиши тўғрисидаги масалани ҳал этиш зарур”.

Биз ўқиш тўғрисида ўқитиш воситаси сифатида гапирганимизда, коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришда кўрғазмалли мустаҳкамлаш ва мазмунли асос сифатида матнлардан фойдаланишни назарда тутамиз. Ўқиш тўғрисида ўқитиш мақсади сифатида айтганда, уч босқичда ташкил этилган алоҳида ишлар тизими назарда тутилади:

бошланғич босқич: ўқиш техникасининг шаклланиши;

илғор босқич: идрок этиш бирлигини ошириш асосида ўқиш техникасини такомиллаштириш. Ахборотни олиш усуллариغا ўргатиш;

якуний босқич: коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш учун ўқиш ва олинган ахборотдан фойдаланиш кўникмасини такомиллаштириш.

Бадиий асарлар замонавий дунёнинг энг қизиқарли ва долзарб масалаларини ифодалаб, тарихий ҳодисаларни ёритиб, сюжетли ассоциацияларга бой бўлиб, фақатгина фикрлаш операцияларинигина туғдирмайди, балки мулоқотга “чиқиш”ни, бошқа инсонлар билан фикр алмашишни талаб этади, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий шаклланишлари учун асос ҳамда психологик шароитларни яратади. Бадиий-этик матнларни танлаш мезонлари ўқишни ўргатишда методик талабларга жавоб бериши керак.

Бадиий асарларни ўрганиш орқали билимларни етказиш шакли нафақат талабаларнинг идрокига, балки ҳиссиётларига ҳам таъсир кўрсатади ва уни маълумот ҳамда далилларни танқидий эгаллаш, асар мазмунини мустақил баҳолашга ўргатиб, идрокини шакллантиради. Бу ҳолатда фойдаланиладиган нутқ коммуникацияси бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ривожланишларига ёрдам беради. Матннинг моҳиятли мазмун ва композицияси ўзаро алоқадорлик ҳамда ўзаро боғлиқ муносабатларда бўлиши керак. Мазмунли томони матн тузилишини ташкил этади, тузилиш эса мазмунли томонини ифодалайди.


Бадиий-этик матнлар тузилмаларнинг-мазмунли ташкил этилиши матннинг мазмун тузилмали компонентларининг бир-бирига боғлиқ мажмуини акс эттириши керак. Матннинг асосий мазмунли компонентлари мажмуи мавзу, асосий ғоя, мавзуостилари ва микроғоялардан ташкил топади. Мавзу ва асосий ғоя матннинг етакчи мазмунли компонентлари ҳисобланади. Мавзуостилар ва микроғоялар мавзунини очиқ беришга асосий жиҳатлар ва асосий ғояни асослашда ифодаланади: мавзунини очиқ беришнинг ҳар бир аспекти мавзуостинини, мавзуостинини очиқ берувчи асосий ҳолатлар эса, микроғояни ташкил этади. Бунда асосий мазмунли компонентларнинг умумий аҳамияти, тузилмали компонентлар таркиби, матнда тузилмали-мазмунли компонентларнинг тартиби, ҳар бир мазмунли ва тузилмали компонентларни ажратиш бўйича дифференциал белгилар каби йўналишлар ҳисобланади. Талабаларда йўналишларни аниқлаш ва ажратилган йўналишларни тўғри қўллаш зарур кўникмаларини шакллантириш мақсадида уларга матн тузилмаларининг мазмунли ташкил этилишини тушунишга ўргатиш зарур.

Талабалар томонидан эгалланадиган бадиий-этик матнлар тузилмаларининг мазмунли ташкил этилиши турини фарқлаш кўникмаси муҳим аҳамиятга эга, чунки у нафақат бадиий асарнинг хилма-хиллигини тўғри ва тез ажратиш олиш имконини беради, балки аввал ўзлаштирилган усулларни ижодий қўллашни ҳам таъминлайди. Таҳлил учун материални танлашда материал ғоявий, лингвистик, методик ва психологик жиҳатдан қўйилган вазифаларга мос келиш ҳолатларини эътиборга олиш зарур. Танланган асар мавзуси талабаларда инсонпарварлик дунёқарашини шакллантириши, уларни тарбиялаши, уларда материални танқидий ўрганиш кўникмасини ривожлантириши, уларни мантиқий фикрлашга ўргатиши лозим.

Коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш учун бадиий-этик мазмундаги матн алоҳида аҳамиятга эга. Бадиий матн тиллар билан мулоқот

қилиш имконияти бўлганлиги учун муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Матн орқали талаба ҳаётнинг аниқ шароитларини кузатиш, у учун янги тарихий далилларни билиб олиш, маълум вақтнинг шароитлари ва ижтимоий муҳитини тасаввур этиш имкониятига эга бўлади.

1-расм



Коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришда, айниқса, сўнги йилларда ёрқин намоён бўлган технологияларнинг алмашиши, шунингдек, янги технологиялар тарғиботи муаммонинг долзарблигини оширади. Агар технологияларни қўллаш амалиётидан келиб чиқсак, унда коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган технологияларни аниқлаш асосли ҳисобланади. Агар умумпедагогик принциплардан келиб чиқилса, унда технологияларни мазмуни илмийлиги, уларнинг объективлиги даражаси ва самаралилиги билан боғлиқ бўлган принципиал ҳолатларнинг бирлиги, методик усуллар тизими сифатида таърифлаш асосли ҳисобланади. Таълим технологияларини танлашда ўзаро бир-бири билан боғлиқ катталиклар сифатида таълим мақсадлари ва шароитларининг муносабатидан келиб чиқиш лозим. Ўз навбатида, таълим шароитлари мақсадни танлашни тартибга солиди, таълим мақсади эса, ўқитишнинг тегишли шароитларини яратишни талаб этади. Бу диалектик birlikнинг асосий бўғини ҳисобланади.

Таълим жараёнини жадаллаштириш ва талабаларни тайёрлашни такомиллаштириш ҳамда уларнинг касбий тайёргарликлари муаммоси қатор вазифаларни ҳал этишни кўзда тутди. Коммуникатив-нутқий фаолият кўникма ва малакаларига талаблар талабаларнинг коммуникатив-нутқий ривожлантириш моделлари ва технологияларидан фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш ва тажриба-синовдан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришнинг мантикий-тузилмавий модели, шахслараро, гуруҳларга ва жамоага мўлжалланган интегратив таъсир кўрсатиш орқали, такомиллаштириш имконини берди (1-расм):

Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш жараёни умумтаълим ва касбий мактаб узлуксизлиги тизимларига риоя этиш асосида қурилади. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш жараёнини такомиллаштириш олий таълим муассасалари ўқитувчилари коммуникатив-нутқ маданиятининг юқори даражасини белгилайди. Педагог фаолияти объекти сифатида педагогик жараён тўғрисидаги назарий қоидалардан келиб чиқиб, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ривожланишлари жараёнида талабаларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш жараёнида бўлажак фаолият объектига эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун биринчи навбатда, бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятларини самарали ривожлантиришни таъминловчи дидактик материаллар аниқланди. Материални танлаш ва ташкил этишнинг самарадорлиги тегишли вазиятда инсон нутқни қандай ифодалашни, бунда қандай психофизиологик механизмлар ишлаши бўйича аниқланади.

Сўнги йилларда коммуникатив-нутқ маданиятини ўқитишнинг функционал йўналганлиги тўғрисидаги ғоялар кенгроқ тарқала бошлади. Функционал ёндашув асосида берилган мазмундан уни ифодалашнинг турли

шаклларига ўтиш қоидаси ётади. Функционаллик дидактик материалнинг тузилиши ташкил этишга ўз таъсирини кўрсатган.

Дидактик материални танлаш ва ташкил этиш муаммоси бўлажак ўқитувчиларнинг нутқ тизимини, тузилмавий ва функционал жиҳатларини моделлаштиришни назарда тутди:

имкониятга кўра, дарс давомида юзага келиши мумкин бўлган вазиятларнинг тўлиқ рўйхати тузилади (шартли ва шартсиз);

нутқ тизимдан педагогик фаолиятда энг кўп фойдаланиладиган нутқ бирликларини ажратилади;

аниқ вазиятларда зарур хатти-ҳаракатларга боғлиқ равишда нутқ бирликлари танлаб олинади.

Коммуникатив тизим асосида дидактик материалга фақатгина коммуникатив қимматли иборалардан, яъни грамматик жиҳатдан тўлиқ тўғри бўлмаган, аммо мулоқотда жуда ажойиб бўлган, мулоқотда шубҳасиз, керак бўладиган иборалардан фойдаланиш талаблари қуйидагича қўйилди:

ихтиёрий нутқий хатти-ҳаракатларга мос бўлган нутқ вазиятида амалга оширилиши;

мазмунли, тузилишлари ва интонация қонуниятига риоя этиш;

нутқнинг мантиқийлиги ва изчиллиги;

ғоявий йўналганлиги.


Дидактик материал бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув материални чуқур англашлари, материал қисмларининг уйғун алоқадорлигини тушунишлари, педагогнинг муаммоли саволларига жавобларни мустақил излаш, талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини текшириш методларини эгаллашлари асосида қурилиши керак. Расмий-эмпирик умумлаштиришга йўналтиришдан воз кечиш, балки талабаларда мазмунли назарий умумлаштириш қобилиятини шакллантириш зарур.

Нутқ қобилияти ўқитувчи касбий фаолиятининг муҳим омилларидан бири, чунки ахборотни ўқитувчидан ўқувчига етказиш сўзлашув хусусиятига эгадир. Бунда нутқнинг ички хусусиятлари (мазмунли) ва ташқи хусусиятлари ҳам назарда тутилади. Ўқитувчининг нутқи ички кучи, ишонарлилиги билан ажралиб туриши лозим. У жонли, образли, ёрқин ифодали бўлиши; стилистик, грамматик, фонетик хатоликлардан холи бўлиши керак. Бир хилдаги, чўзиқ, бир оҳангли нутқ жуда тез толиқтиради, зеркиш, бефарқликка олиб келади. Ўқитувчининг ҳаддан ортиқ баланд, шиддатли нутқи ўқувчиларнинг асабини бузади. Ҳазил, енгил дўстона мутойиба нутқни жуда жонлантиради.

Дидактик материални танлаш ва ташкил этишда суггестив хусусиятни инобатга олиш лозим. Бу талабаларга ҳиссий-иродавий таъсир кўрсатиш, талаблар қўйиш ва уларнинг бажарилишига эришиш қобилияти. Суггестив қобилият ўқитувчи иродасининг ривожланиши, ўзига чуқур ишонч, таълим ва тарбия учун масъулият ҳисси, шунингдек, коммуникатив-нутқ маданиятига боғлиқ.

Бўлажак ўқитувчиларнинг нутқ фаолиятлари билимларни ўзлаштириш жараёнига фаол таъсир этади, ўз навбатида, билимларни ўзлаштириш

ўқувчидан фаол, мустақил ижодий фикрлашни талаб этувчи жиддий муаммодир. Ўқитувчининг вазифаси тўғри, объектив хулосаларга олиб келувчи, исботли фикрлашга асосланган мантиқий фикрлашнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш ҳисобланади (2-расм)



2-расм. Ўқувчилар фикрларининг ривожланиши тузилиши

Ўқитувчи дидактик материални танлаш ва ташкил этиш давомида ақл ҳажми, чуқурлиги ва мослашувчанлигига боғлиқ бўлган, фикрлашнинг мустақиллигини шакллантирувчи методлар ва усулларга таянади. Фикрлаш мустақиллиги ўқувчиларнинг педагог доимий ёрдамига таянмаган ҳолда, янги вазифаларни қўйишлари, керакли ечимлар ва жавобларни топиш кўникмаларида ифодаланади.

Бундан ташқари, дидактик материалларни киритишнинг имкони йўқлигини англлатувчи меъёрийлик мезонига ва мулоқот мақсадлари учун коммуникациянинг аҳамиятли мезонига жавоб бериши лозим. Шу тариқа, бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятларини самарали ривожлантиришга йўналтирилган дидактик материал, талабанинг интеллектуал, ҳиссий, иродавий, қадриятли-йўналган жиҳатларига қамраб олиб, унинг яхлит, ижодий шахсини шакллантиришга йўналтирилиши керак.

“**Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва ўтказиш**” деб номланган учинчи бобда педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданияти компетентликлари даражасини ташхислаш, бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришда турли омиллардан фойдаланиш ҳамда тажриба-синов натижалари баён этилган.

Тажриба-синов ишлари ТДПУ, ЖДПИ, СамДУда 2016-2019 йилларда олиб борилди. Тажриба-синов ишларида тажриба гуруҳида жами 363 нафар, назорат гуруҳида жами 366 нафар талаба иштирок этди. Ўтказилган тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятининг ривожланганлик даражалари аниқланди.

Тажриба-синов ишларидан олинган натижаларнинг ҳаққонийлигини текшириш ва уларнинг статистик таҳлилинини ўтказишда математик статистика методларидан бири Стьюдент критерийсидан фойдаланиб статистик таҳлил қилинди.

**Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини
ривожланганлик даражасининг ҳар бир мезон бўйича самарадорлик
кўрсаткичи**

Мезонлар	Таълим муассасалари	Ўртача қиймат		Самарадорлик коэффициенти	Танланма дисперсия		Ишончлилик оралиғи			
		ТГ	НГ		ТГ	НГ	ТГ		НГ	
Мотивацион	ТДПУ	3,88	3,44	1,13	0,31	0,33	3,78	3,98	3,34	3,54
	ЖДПИ	3,95	3,50	1,13	0,25	0,34	3,86	4,04	3,39	3,60
	СамДУ	3,85	3,43	1,12	0,34	0,34	3,75	3,95	3,33	3,53
	Жами	3,89	3,46	1,13	0,31	0,34	3,84	3,95	3,40	3,52
Мазмунли	ТДПУ	3,88	3,41	1,14	0,33	0,32	3,78	3,98	3,31	3,51
	ЖДПИ	3,95	3,44	1,15	0,27	0,33	3,86	4,04	3,34	3,55
	СамДУ	3,90	3,41	1,14	0,34	0,34	3,80	4,00	3,31	3,51
	Жами	3,91	3,42	1,14	0,31	0,33	3,85	3,97	3,36	3,48
Процессуал	ТДПУ	3,97	3,46	1,15	0,27	0,34	3,88	4,06	3,36	3,56
	ЖДПИ	4,03	3,51	1,15	0,21	0,35	3,94	4,11	3,40	3,62
	СамДУ	3,96	3,45	1,15	0,29	0,33	3,86	4,05	3,35	3,55
	Жами	3,98	3,47	1,15	0,26	0,34	3,93	4,04	3,41	3,53


Мезонлар	ОТМ	Ўртача қийматлар аниқлаш кўрсаткичлари		Студент статистикаси	Статистиканинг озодлик даражаси	Критик қиймат	Критерий хулосаси
		ТГ	НГ				
Мотивацион	ТДПУ	1,29%	1,48%	6,10	248,97	1,97	H ₁
	ЖДПИ	1,17%	1,55%	6,37	224,48	1,97	H ₁
	СамДУ	1,39%	1,52%	5,59	242,51	1,97	H ₁
	Жами	0,74%	0,88%	10,41	725,90	1,96	H ₁
Мазмунли	ТДПУ	1,32%	1,48%	6,49	248,90	1,97	H ₁
	ЖДПИ	1,21%	1,56%	7,03	226,93	1,97	H ₁
	СамДУ	1,36%	1,52%	6,61	242,52	1,97	H ₁
	Жами	0,75%	0,88%	11,61	726,76	1,96	H ₁
Процессуал	ТДПУ	1,17%	1,51%	7,26	246,01	1,97	H ₁
	ЖДПИ	1,05%	1,58%	7,34	214,44	1,97	H ₁
	СамДУ	1,24%	1,48%	7,19	242,91	1,97	H ₁
	Жами	0,67%	0,88%	12,58	714,78	1,96	H ₁

Ушбу ҳисоблар натижаларига кўра $T_{\text{крит}} < T$ бўлгани учун H_0 гипотезани рад этилиб, H_1 гипотеза қабул қилинади. Бундан кўринадики юқоридаги 2-кесим бўйича олинган натижаларда фарқ мавжуд бўлиб ҳар бир мезон бўйича ўртача қийматлар тажриба гуруҳларида катта ҳисобланади ва уларнинг ҳар бир мезон бўйича самарадорлик кўрсаткичи мос равишда 1,13; 1,14 ва 1,15 га тенг. Умумий ўртача самарадорлик 1,14 баробарга ёки 14 % га юқори эканлиги исботланди.



3-расм. Умумий ўртача қиймат диаграммаси

Ушбу ҳисоблаш ишларидан олинган натижалар ва ҳар бир кесимлардаги самарадорлик кўрсаткичларини қўйидаги диаграммада акс эттирилди.



4-расм. Тажриба-синов иштирокчиларининг тажриба кесимлари самарадорлигининг қиёсий таҳлил диаграммаси

Кўришиб турибдики, тажриба гуруҳидаги талабалар ўзлаштиришининг ўртача қийматини назорат гуруҳига нисбатан 14 % га юқори эканлиги маълум бўлди. Демак, олиб борилган тадқиқот ишлари самарали эканлиги исботланди. Тадқиқот натижалари бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив нутқ маданиятларининг ривожланганлиги даражаларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлигини тасдиқлайди.

ХУЛОСА

«Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш» мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Бўлажак ўқитувчиларнинг “коммуникатив-нутқ маданияти” тушунчаси моҳияти очиқ берилиб, у талабалар касбий тайёргарлигининг муҳим омили сифатида коммуникатив компетентликни такомиллаштириш манбаи бўлиб хизмат қилиши аниқлашга имкон берди.

2. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданияти, албатта, коммуникатив компетентликни назарда тутиб, педагогик жараёни такомиллаштириш мақсадида «ўқитувчи-ўқувчи» тизимида рационал ва самарали ўзаро муносабатни амалга оширишга имкон берувчи билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш коммуникатив-нутқ маданиятининг зарурий таркибий қисмлари ҳисобланиши исботланди.

3. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятининг назарий модели ва унинг компонентлари асосида такомиллаштирилган мезони ва уларга мос кўрсаткичларни аниқланиши бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришни мазмунли ташкил этиш омили саналиши исботланди.

4. Бўлажак ўқитувчилар коммуникатив-нутқ маданияти самарали ривожлантиришга доир дидактик ва тарқатма материаллар мазмунини такомиллаштириш асосида талабалар коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришга имконият яратилди.

5. Олий таълим муассасаси педагогик жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришнинг мантикий-тузилмавий модели асосида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш технологиялари такомиллаштирилди.

6. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини самарали ривожлантиришни таъминловчи дидактик ва тарқатма материаллар, технологиялар имкониятидан фойдаланиб, илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди. Тадқиқотчи томонидан берилган илмий-методик тавсиялар мазмунига сингдирилган “Умумий педагогика” дарслигидан амалиётда фойдаланиш натижасида бўлажак ўқитувчининг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш имконияти кенгайтирилди.

7. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш бўйича такомиллаштирилган дидактик материаллар ва таълим технологияларидан фойдаланиш орқали диссертациянинг тажриба-синов ишлари натижалари назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳида 14% га юқори эканлиги маълум бўлди ва самарадорликка эришганлиги исботланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ДЖИЗЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

СОДИҚОВ ҲАМИД МАХМУДОВИЧ

**РАЗВИТИЕ КОММУНИКАТИВНО-РЕЧЕВОЙ КУЛЬТУРЫ БУДУЩИХ
УЧИТЕЛЕЙ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ
НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной Комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № В2020.1.PHD/Ped 1294.

Диссертация выполнена в Джиззакском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском(резюме)) размещен на веб-сайте Научного Совета (jspi.uz/ilmiy-kengash) и Информационно-ресурсном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net/uz).

Научный руководитель: Халиков Аъзам Абдусаломович
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна
доктор педагогических наук, профессор
Асилова Гулшан Асадовна
доктор педагогических наук, доцент

Ведущая организация: Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «16» 12 2020 года в 09 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.01.2020.Ped.26.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном педагогическом университете. (Адрес: : 100011, г.Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом № 27.) Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за номером 1380).

Автореферат диссертации разослан «6» декабрь 2020 года

(Протокол реестра № 26 от «6» декабрь 2020 года)



Р.Х.Джураев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н.,
академик

Р.Г.Исянов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней, к.пед.н.

А.Х.Махмудов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.п.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В учебные процессы мировой образовательной системы внедрены методика развития коммуникативно-речевой компетентности будущих учителей, организационно-педагогические факторы, механизмы подготовка конкурентоспособных кадров, практическая педагогическая система совершенствования профессиональной подготовки, модели обучения и интерактивные программы, интегрированные с идеями технологического развития.

В программных документах ООН Всемирная декларация “Высшее образование XXI века” и ЮНЕСКО “Реформа и развитие высшего образования”¹ особое внимание уделяется повышению качества образования в высших учебных заведениях в мировых масштабах, организации модульного обучения, дальнейшему совершенствованию развития коммуникативно-речевой культуры будущих учителей через внедрение современных методов обучения.

В мировой системе высшего образования на основе требований современного и перспективного рынка труда проводятся научно-исследовательские работы по теоретическим основам развития базы образовательно-информационной инфраструктуры в рамках предметов, связанных с профессиональной деятельностью, развитию коммуникативно-речевой культуры будущих учителей, совершенствованию их коммуникативных навыков и умений. В таких развитых странах, как США, Россия, Германия, Франция, Китай, Корея, использование модульного обучения blended learning (смешанное обучение), мастер-классов, вебинаров, эвристических методов, виртуальных образовательных технологий объясняется необходимостью повышения эффективности механизмов развития коммуникативно-речевой культуры будущих учителей.

В образовательных учреждениях нашей страны особое внимание уделяется разработке нормативно-правовых документов по воспитанию гармонично развитой личности, по широкому внедрению в процесс образования передовых педагогических и информационно-коммуникации технологии, обновлению материально-технической базы. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены приоритетные задачи по “политике повышения возможностей качественного образования, подготовки высококвалифицированных кадров, соответствующих современным требованиям рынка труда”.² Успешное решение приоритетных задач имеет важное значение в повышении уровня профессиональной подготовки будущих учителей, развитии коммуникативно-речевой культуры.

Данная диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных Указом Президента Республики Узбекистан

¹ Доклад ЮНЕСКО по науке – 2015 – На пути к 2030 году. UNESCO Publishing, 2017. – 794 с.

² Указ Президента Республики Узбекистан. О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан / Сборник законодательных документов Республики Узбекистан, 2017 год, № 6, статья 70.

ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, постановлением № ПК-2909, от 20 апреля 2017 года “О мерах дальнейшего развития системы образования”, а также другими нормативно-правовыми документами, касающимися данной деятельности.

Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике Узбекистан. Данная исследовательская работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в Республике Узбекистан I. “Духовно-просветительское и культурное развитие демократического и правового общества, развитие инновационной экономики”.

Степень изученности проблемы. В таких общественных науках, как психология, педагогика, история и литература отечественными учеными: Г.Асиловой, М.Аскаровой, Н.М.Дадажоновой, Т.У.Зиядовой, У.А.Машариповой, Н.М.Махмудовым, А.Қ.Нисанбаевой, А.Т. Нурмановым, А.Ортиқовым, Б.Х.Раҳимовым, Н.З.Умаровой, А.А.Холиқовым и др, разработаны научно-теоретические аспекты проблемы формирования культуры речи.

Ученые стран содружества независимых государств: Г.С.Альтшуллер, А.А.Бизязева, А.К.Быков, И.А.Зязюн, Р.А.Исламшин, Е.М.Катонова, М.В.Корепанова, И.Я.Лернер, В.М.Монахов, Т.Н.Полякова, Е.Н.Шиянов и др., внесли свой весомый вклад в исследование психолого-педагогических проблем развития коммуникативно-речевой культуры.

Проблема формирования культуры речи на различных этапах образования, подходы к существующей культуре, были исследованы учеными дальнего зарубежья, как L.Botcheva, R.Boyatzis, F.Delamare, J.Winterton, A.John, D.Tremblay, L.R.Humes, W.Hutmacher и др.

